

**Юлдуз ЗИЯЕВА,**  
ўқитувчи  
(ТошДЎТАУ, Ўзбекистон)

## **НАВОИЙ ВА ШЕКСПИР: “ОШИҚ-МАЬШУҚА-РАҚИБ” УЧЛИГИ**

**Аннотация.** Мақолада А.Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”, В.Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” асарлари таҳлилга тортилган. Унда тарихий-анъанавий “ошиқ-маьшуқа-рақиб” образларининг илк асоси ҳақида сўз юритилиб, “учрашув”, “айрилиқ”, “висол” мотивлари таҳлил қилинган.

**Abstract.** The article analyzes the works of A. Navoi "Layli and Majnun", V. Shakespeare "Romeo and Juliet". It spoke about the first basis of the historical-traditional images of "lover-lover-rival" and analyzed the motives of "meeting", "separation", "vision".

**Калит сўзлар:** “Лайли ва Мажнун”, “Ромео ва Жульетта”, ишқ, ошиқ, маьшуқа, рақиб, учрашув, айрилиқ, висол.

**Keywords:** "Layla and Majnun", "Romeo and Juletta", love, lover, lover, rival, meeting, separation, visol.

Шарқ ва Ғарб адабиётининг буюк ижодкорлари томонидан яратилган А.Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”, В.Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” асарлари ўртасида муштарак жиҳатлар бор. Ҳар иккала асарда ҳам ишқ концепсияси етакчилик қиласи. Ишқ риштаси бевосита “ошиқ-маьшуқа-рақиб” образларини ҳаракатга келтиради. Албатта, ушбу асарларда куйланган ишқ ва унинг даражаси бир-бираидан тубдан фарқ қиласи, шу жаҳатдан учлик тизимидағи ошиқ ва маьшуқа образлари ҳам даражаланади. Умуман олганда, “Ошиқ-маьшуқа-рақиб” учлиги бадиий асар дунёсига қандай кириб келгани, асар контекстида тарихий-анъанавий тизим сифатида яшаб келишига қайси манба асос бўлгани қизиқ, албатта.

Образ ҳақидаги дастлабки фикрлар юонон файласуфи Аристотелнинг “Поэзия санъати ҳақида” номли асарида учрайди. Унда “образ” атамаси ўрнида “мимесис” атамаси ишлатилган. Моҳиятнан образ реал воқеликдан келиб чиқади. “Бадиий образ — воқеликни фақат санъатга хос усулда ўзлаштириб ва ўзгартириб характерловчи эстетик категория. “Образ воқеликнинг бадиий инъикоси сифатида реал мавжуд объектнинг ҳиссий аниқ, тайин замон ва маконда давом

этган, моддий тугал, ўзича етук хусусиятлариға эга бўлади. Бадиий образни реал объект билан чалкаштираслик керак; у шартлилик, рамзийлик хусусияти билан реал воқеликдан фарқ қиласди ва асарнинг ички “иллюзияли” оламини ташкил қиласди”<sup>1</sup>. Айтиб ўтилганидек образдаги шартлилик, рамзийлик асарнинг ички иллюзиясини таъминлаб беради.

Адабиётшунос Баҳодир Саримсоқов бадиий образга умумлашма сифатида қарайди: “Бадиий образ воқеликни, ҳаётий мушоҳадаларни, таассуротларни ижодкор дунёқараши, эстетик идеали орқали қайта ишланиши оқибатида янгидан яратилишидан иборат. Бинобарин, бадиий образнинг моҳияти воқеликнинг бадиий умумлашмага айланганлиги ва бетакрор алоҳидаликда акс эттирилганлиги ёки ифодаланганлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам бадиий образнинг умумлашганлиги воқеликни бевосита ўз қобиғида акс эттиришга қараганда кенг ва чуқурроқ қамраб олади”<sup>2</sup>.

Яна бир адабиётшунос Дилмурод Куронов: “Бадиий образ борлиқнинг (ундаги нарса, ҳодиса ва б.) санъаткор кўзи билан кўрилган ва идеал асосида ижодий қайта ишланиб, ҳиссий идрок этиш мумкин бўлган шаклда ифодаланган аксиdir. Албатта, бу аксда борлиқнинг кўплаб таниш изларини топамиз, бироқ бу энди биз билган борлиқнинг айнан ўзи эмас, балки тамоман янги мавжудлик – бадиий борлиқdir”<sup>3</sup>. – дейди. Демак, образ реал борлиқдан бироз чекинган, бадиий қайта ишланган, идеалликка интилган бир тасвир десак, хато бўлмайди. Умуман олганда, бадиий образ ижодкор дунёқарашидан келиб чиқиб яратилади ва эстетик идеалга айланади. Демак, образ ва унинг моҳияти ҳақидаги қарашлар бир-бирига яқин ёки бир-бирини тўлдиради. Бадиий асар контекстида тарихий-анъанавий образлар бўлган “ошиқ-маъшуқа-рақиб” учлиги муҳим ҳисобланади. Бадиий асар дунёсида “ошиқ-маъшуқа-рақиб” образлари бирбутун система сифатида даврдан даврга, шаклдан шаклга, асардан асарга кўчиб келади. Жаҳон адабиётшунослиги тарихида бундай учлик тизимиға нисбатан триада истилоҳи ишлатилади. Образ- триаданинг тарихий илдизлари, илк ибтидоси илоҳий манбаларга бориб тақалади. “Куръони карим” дан хабари келган Одам алайҳиссалом, момо Ҳавво, Иблис учлиги ҳақидаги “илк сюжет” билан бевосита боғлиқ. Илоҳий

<sup>1</sup> ЎзМЭ. Биринчи жилд. – Т.: 2000.

<sup>2</sup> Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т.: Bokman print, – Б. 7.

<sup>3</sup> Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Т.: Akademnashr, 2018. – Б. 135.

ахборотларда келишича, Одам (а.с)нинг яратилиши ва унга момо Ҳаввони жуфт қилиниши, ер юзида Оллоҳнинг халифаси бўлишдек олий мақомнинг берилиши, Оллоҳ барча фаришталардан устун кўриб мукаррам айлаши натижасида Иблиснинг илк бор Оллоҳ ҳузурида Одам (а.с)га ҳasad қилиши ва бу башарият оламига қўчиши, мана шу учлик ер юзига туширилганда абадул-абад ўзаро душман бўлиши, Одам авлодлари Оллоҳ марҳаматига қайта эришиши учун ҳидоят йўлига кириши лозимлиги ҳақида аниқ кўрсатма берилган. Илоҳий хабарда келишича, Оллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга “барча нарсаларнинг номларини ўргатди”, яъни Оллоҳ таоло ўз маърифати билан Одамни зийнатлади, шу боис ҳам барча яратикларидан устун қўяди. “Бақара” сурасида келишича, шундан сўнг Оллоҳ фаришталарга буюрди: “Одамга сажда қилингиз!” – деб буюришимиз билан улар сажда қилдилар. Фақат Иблис бош тортиб, такаббурлик қилди ва коғирлардан бўлди”<sup>1</sup>. Фаришталар фитратида Оллоҳ амрига исён қилиш хусусияти бўлмагани учун ҳам дарҳол сажда қилдилар, лекин Иблис такаббурлик қилиб, бош эгишни истамади. Айни лаҳзалардан бошлаб Одам ва Иблис ўртасида рақиблик пайдо бўлди ва самоватдаги бу рақиблик башарият оламига қўчди. Шу лаҳзадан бошлаб Одам (ошиқ) ва Иблис (рақиб) ўртасидаги зиддият то инсон дунёга келиб, ҳаёт кечириб яна Оллоҳ ҳузурига қайтгунгача давом этиб келмоқда. Оллоҳ таоло ўз яратифи Одам алайҳиссалом ва Иблиснинг орасидаги чегарани аниқ кўрсатди. Маърифати боис Одам алайҳиссалом мукофотланди, жаҳолати сабаб Иблис лаънатланди. “Эй Одам, сен ва жуфтиңг (Ҳавво) жаннатда яшангиз ва хоҳлаган жойларингизда ундан (неъматланинг) bemalol тановул қилингиз. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангиз, (акс ҳолда) золимлардан бўлиб қолурсиз”.<sup>2</sup> Куръоний ахборотга кўра Одам (а.с) ва унинг жуфти Ҳавво онамиз эришган саодатли онлар, олий мукофот Оллоҳ ҳузуридаги биринчи ва бошқа тақрорланмас жаннатдаги ҳузурбаҳш учрашув эди. Лекин уларнинг саодатли онлари узоқ давом эмайди, Иблис вассасига учади. Шундан сўнг Оллоҳ таоло уларни ерга туширади. Бу ҳақида адабиётшунос Узоқ Жўрақулов шундай дейди: “Воқеан, “Куръони карим”нинг “Бақара” сураси, 36-ояти таркибида келадиган: “Сизлар бир-бирингизга душmansиз”, деган Оллоҳ каломи, бевосита, Унинг ўзи

<sup>1</sup> Куръони карим. Маяноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсири муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Сано-стандарт, 2021. –Б.6.

<sup>2</sup> Куръони карим. Маяноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсири муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Сано-стандарт, 2021. –Б.6.

томонидан яратилган уч яратиққа – Одам (а.с), Момо Ҳавво ва Иблинса қаратилган эди. Кейинчалик Шарқ адабиётидаги ошиқ-маъшуқа-рақиб учлигига айнан шу воқеа асос бўлди”. Дарҳақиқат, илоҳий хабарларда келган айни сюжет дунё адабиётшунослигининг турли намуналарида кўчиб юради, бадиий қайта ишланади. Ислом манбаларига кўра, Одам алайҳиссалом ва момо Ҳавво дунёниг турли томонларига туширилади, бирғбирларини топгунларига қадар кўп вақтлар ўтиб кеади. Одам алайҳиссалом ва момо Ҳаввонинг жаннатда, Оллоҳ ҳузуридаги учрашуви, ердаги узок айрилиқ, сўнг бир-бирини топгандари, адабиётнинг турли намуналарида “учрашув”, “айрилиқ”, “висол” мотивларига асос бўлди. “Қуръони карим”да келтирилган юқоридаги ахборот кейинчалик Шарқ ва Ғарб адабиётининг турли намуналарида бадиий қайта ишланиб, кўчиб юради. Хусусан, А.Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони ҳамда В. Шекспирнинг “Ромео ва Жульєтта” асарларида “oshiқ-маъшуқа-рақиб” образлари тизим сифатида ўз аксини топган. Ҳар иккала асарда ҳам “учрашув”, “айрилиқ”, “висол” мотивлари тизим сифатида ишлайди. А.Навоий “Лайли ва Мажнун” достонида ошиқ образини яратар экан, унинг илоҳий бир тақдир билан туғилишига ишора қиласиди. Фарзандсизликдан қийналган ота-она тўхтовсиз тавба-тазарру қилиб, Оллоҳдан фарзанд сўрайди. Шу тариқа, Мажнун ишқ жунуни билан дунёга келади. ошиқдаги ишқ илоҳий, маъшуқа эса мазҳар сифатида ифодаланади “Лайли ва Мажнун”да “учрашув” мактабда, маърифат бўстонида содир бўлади. Учрашув мотиви айнан мактабда, илм-маърифат масканида берилиши Оллоҳни танишга қаратилган. Илк бор мъшуқасини таниган ошиқ ҳушидан айрилади, жунунга берилади, маъшуқасини кўрмаса тура олмайдиган даражага етади, телба номини олади, яъни ilk учрашув вақтинчалик саодатга эмас, ишқни оловланишига хизмат қиласиди. Адабиётшунос Узоқ Жўрақулов “Лайли ва Мажнунда” трагик вазият хронотопи” мақоласида шундай дейди: “...асардаги оила – умуман яралишнинг, мактаб – Яратганни танишнинг (яни илоҳий маърифатнинг), гулшан – одамзот бир бора бўйини ҳидлашга улгурган жаннатнинг, ilk висол – Тангри ҳузуридаги ilk кўз очишнинг, ҳижрон ва у билан боғлиқ изтироблар – Оллоҳни севувчи, ҳаётини унинг соғинчи билан ўтказувчи солиҳ банда ҳаётиниг, ўлим-эса – комил инсоннинг Яратган жамолига мушарраф бўлиши тимсолидир”.<sup>1</sup> Илк учрашувда маъшуқасини таниши, унинг

<sup>1</sup> У.Жўрақулов. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтакаси. – Т.: Турон-икбол, 2017.–Б.124.

висолига дош беролмай, ҳушдан айрилиши оний лаҳзаларда бўлиб ўтади.

“Ромео ва Жульетта” асарида икки хонадоннинг, Монтеккилар ва Капулеттиларнинг ўзаро зиддияти асносида икки ёшнинг фожиаси берилади. Асадаги ошиқ ва маъшуқанинг учрашуви Капулеттилар хонодонида базмда содир бўлади. Бу учрашув шунчаки тасодиф асосига қурилади. Ошиқ ишқининг даражаси ҳам айни учрашувдаёқ намоён бўлади:

“Жульетта  
Пирлар эгилмайди, ахли ихлос энгашур.  
Ромео  
О, сиз қимирламанг, пирим, мен энгашаман.  
(ўпади.)  
Гуноҳидан форих бўлди лабларим энди.  
Жульетта  
Демак, у гуноҳлар менинг лабимга инди.  
Ромео  
Лабларимнинг гуноҳими, Бу не кўргулик!  
Тутиб турманг уни, менга қайтаринг, жоним.  
Жульетта  
Сиз ўпасиз китобларда битилганидек”.<sup>1</sup>

Ошиқ ҳам, маъшуқа ҳам айни ёшликтининг энг қайноқ палласида экани, ҳис-туйғуларга берилиши, уларнинг жисмоний истаклардан ҳоли эмаслиги кўринади. Ошиқнинг ўз маъшуқасини кўрмасидан олдин бошқа бир қиз ишқида ёнгани ҳам, унинг ёшига хос бекарорлигини кўрсатади. Яна бир жиҳати, илк учрашувданоқ, никоҳ ўқитиш режасини тузиши ҳам ёшликка хос шошқалоқлик, ҳам жисмоний истакларнинг устун келишини билдиради.

“Лайли ва мажнун”да Мажнун учун Ибн Салом рақиб сифатида кўринса-да, унинг ҳаракатлари ўта пассив. Шунга кўра, асар сюжетида бир кўриниб, тез чиқиб кетади. Отаси Лайлини Ибн Саломга беришга қарор қиласиди Мажнундаги жунунлик, ишқ жазбаси шу қадар кучлики, Лайлига бўлган муҳаббати шунчалик кучлики, ҳаттоқи ейиш, ичишни ҳам унутади. Нафс итлигидан кечиб ҳайвонлар билан дўстлашишнинг ўзиёқ унинг ҳавас дунёси ва одамлардан ҳоли, ўзгача оламга қадам қўйганидан далолатдир. Навоий ишқни – кимиёга, яъни гавҳар, кўзни қамаштирувчи порлоқ нурга ўхшатмоқда. Ана шу ишқ

<sup>1</sup> Шекспир В. Сайланма уч жилдлик. Иккинчи жилд. Фан наприёти. 2008-Б.41.

Мажнуннинг вужудини эритиб, ундаги инсонликни, яъни инсонга хос нафс истакларини йўқотган. Шу сабабдан Мажнун сахродаги жониворлар билан дўстлашади, барча инсоний истакларини унутади. Ошиқ учун ҳақиқий рақиб, унинг ўзи, танаси тириклиги. Лайли мазҳар вазифасини ўтагани учун ҳам ошиқ унинг васлига томон интилади, висолга эришиш учун бу фоний дунёни тарк этиши зарур эди. Ошиқнинг ўлими Оллоҳ висолига мушарраф бўлишнинг ягона йўли сифатида берилади.

“Ромео ва Жульєтта”да рақиб Парис ҳисобланса-да, унинг ҳам ҳаракатлари у қадар бўртиб кўринмайди. Ошиқ ва маъшуқанинг ўлими фожиали тарзда кечади, улардаги ишқ ҳам шу тарзда якун топади. Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, “oshiq-mk'eshuqa-raqib образлари илоҳий манбалардан келаётган тизим ҳисобланади. Жаҳон адабиётшунослигинг турли намуналарида қайта ишланиб, анъанавий образ сифатида бадиий асарлар контекстида кўчиб юради. “Лайли ва Мажнун” асаридаги учлик тизими моҳият жиҳатидан, илоҳий манбаларга яқинлашади. Унда айнан, илоҳий ишқ куйланади. “Ромео ва Жульєтта”да ҳам ушбу образлар бутун бир тизим сифатида келади. “Учрашув”, “айрилиқ”, “висол” мотилари ҳар иккала асарда ҳам тизимли тарзда берилган.

### **Адабиётлар:**

1. Қуръони карим. Маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Сано-стандарт, 2021. –Б.6.
2. У.Жўракулов. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтакаси. – Т.: Турон-икбол, 2017.–Б.190.
3. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т.: Bokmany print, – Б.
4. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Т.: Akademnashr, 2018. – Б. 135.
5. Шекспир В. Сайланма уч жилдлик. Иккинчи жилд. Фан нашриёти. 2008-Б.41.
6. ЎзМЭ. Биринчи жилд. – Т.: 2000.